

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 12 август куни жиноят ишлари бўйича Қамаши туман судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Ўраловнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қамаши туман прокурори ёрдамчиси А.Рустамов, судланувчи Б.Бозоров ва унинг ҳимоячи-адвокати И.Холтураев ҳамда жабрланувчи Ш.Пардаевларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган:

1992 йил 14 октябрь куни Қамаши туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, Ўзбекистон фуқароси, оилали, Қамаши туманидаги 50-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди, судланмаган, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Саховат кўчаси 18-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ атворда бўлишлик ҳақида тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 30 июль куни олган, Бозоров Бекжон Муродулла ўғли (BOZOROV BEKJON MURODULLA O'G'LI)га оид 1-1810-2501/148-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаб, қуйидагиларни.

### **а н и қ л а д и:**

Бозоров Бекжон Муродулла ўғли, 2025 йил 27 июнь куни соат 09 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда яъни жамоат жойида, кўпчилик олдида, ўзига нотаниш бўлган Қамаши тумани “Катта ўра” МФЙ, “Кўкбулоқ” қишлоғида яшовчи Пардаев Шокир Ўткир ўғли билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида Б.М.Бозоров қўлларининг мушти билан Ш.Ў.Пардаевнинг жағ, юз, бурун ва бош соҳаларига бир неча маротаба қасддан уриб, унга нисбатан соғлиқни узоқ вақт, яъни камида 21 кун, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган ўртача оғир шикаст етказиб, безорлик қилган.

Республика СТЭ илмий-амалий маркази Қашқадарё филиалининг 09.07.2025 йилдаги №1993/46-Ҳуж/Бад-сонли хулосасида, Пардаев Шокир Ўткир ўғлининг танасида “чап томондан юқори жағ пешона



ўсиғини ёпиқ синиши, чап орбита суягини пастки деворини ёпиқ силжиб синиши, ретробулбар тўқиманинг гаймор бўшлиғига чиқиши, бурун суяги ва тўсиғини ёпиқ синиши, ёпиқ калла миянинг шикастланиши, бош миянинг чайқалиши, бурун устида, иккала кўз қовоқларида қонталашлари” кўринишидаги тан жароҳатлари борлиги аниқланганлиги, ушбу жароҳатлари оғирлик даражасига кўра соғлиқни узоқ вақт, яъни камида 21 кун, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган ўртача оғир шикаст гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи Б.Бозоров суд мажлисида айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, 2025 йил июнь ойининг охирларида, аниқ санаси ҳозир ёдида йўқ, бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳрига йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланадиган акаси Маматов Амирбек унга Қамаш тумани “Катта ўра” МФЙ, “Кўкбулоқ” қишлоғида яшовчи, бир “Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгаси билан Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда Тошкент шаҳрига йўловчи олиш масаласида ўзаро тортишиб қолганлигини айтганлигини, сўнг у акаси Маматов Амирбек билан тортишган ўша “Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгаси кимлигига қизиқиб қолиб, уни сўраб суриштириб юрганлигини, шундан кейин у 2025 йил 27 июнь куни тахминан соат 09 ларда ўзининг иши бўйича Қарши шаҳрига бориш учун уйдан “Кобальт” русумли 70R5410A давлат рақамли автомашинасини бошқариб чиқиб, Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳни олдидаги йўлдан ўтаётиб, ичимлик суви олиш мақсадида автомашинасини тўхтатиб, сўнг автомашинасидан тушиб, ушбу автотураргоҳнинг олдидаги савдо дўконига бораётганида автотураргоҳда турган Тошкент шаҳрига йўловчилар ташиш билан шуғулланадиган кишилардан бири, ҳозир кимлигини аниқ эслолмаслигини, унга акаси Маматов Амирбек билан бундан бир неча кун олдин Тошкент шаҳрига йўловчи олиш масаласида ўзаро тортишиб қолган “Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгаси шу ерда эканлигини айтиб, унга уни кўрсатганлигини, сўнг у ўша “Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгасини олдида бориб, унга ““Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгаси сен бўласанми” деб, сўраганида, у унга “ҳа, ушбу автомашина эгаси мен бўламан, нима гап” деганлигини, у эса унга “мазкур автотураргоҳни хўжайини бўлиб қолибсан, четроққа юр гаплашиб оламиз” деганида, ўша йигит, унга исми кейинчалик маълум бўлишича Шокир ўтирган жойидан туриб, озроқ юрганлигини, шу пайт у қўли билан Шокирнинг кўкрак соҳасига бир уриб итариб “сен зўр бўлиб кетдингми” деб айтганида, Шокир уни ёқасидан бўғиб олиб, у билан ёқалашиб, жанжаллашиб кетиб, уни турли сўзлар билан ҳақоратлай бошлаганлигини, шунда уни жаҳли чиқиб кетиб, қўлларининг мушти



билан ўша нотаниш кишини юз, бош соҳаларига ва танасининг тўғри келган жойларига бир неча маротаба уриб юборганлигини, шу пайт Шокирнинг бурни қонаб қолганлигини, шунда уларни шу ерда бўлган кишилар, ҳозир кимлиги ёдида йўқлигини, иккаласини ажратиб қўйишганлигини, кейин у автомашинасини бошқариб, Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳдан кетиб қолганлигини, шу жанжалда уни Пардаев Шокир ҳам ёқасидан ушлаб бўғиб олиб, қўллари билан танасининг тўғри келган жойларига бир неча маротаба урганлигини, акаси Маматов Амирбек 2025 йил 07 июль куни ишлаш мақсадида Россия Федерациясига кетиб, ҳозирги кунда ҳам ўша ерда ишлаб юрганлигини, ҳозирги кунда у жабрланувчи Пардаев Шокирдан кечирим сўраб, унга етказилган зарарларни тўлиқ қопламоқчи эканлигини, лекин Шокир ундан етказилган зарарни олмаётганлигини, айбига тўлиқ иқрор ва қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб, кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи Ш.Пардаев, 2025 йил июнь ойининг охирида, аниқ санаси ҳозир ёдида йўқ, ўзининг ишлари бўйича Тошкент шаҳрига бормоқчи бўлиб “Ласетти” русумли 70A194AB давлат рақамли автомашинасини уйдан бошқариб чиқиб, Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳга келиб, Тошкент шаҳрига борадиган йўловчилар бўлса, уларни олиб кетиш мақсадида, шу автотураргоҳда турганида, олдига бир ёши каттароқ эркак киши келиб, ўзини Маматов Амирбек деб таништириб, унга бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳрига йўловчилар ташиш билан шуғулланишини, шу сабабли ушбу автотураргоҳдан Тошкент шаҳрига борадиган йўловчилар олмаслигини, бу ернинг эгаси борлигини айтганлигини, шундан сўнг иккаласи йўловчи олиш масаласида ўзаро бир-бирлари билан оғзаки равишда тортишиб қолишганлигини, лекин шу ерда улар бир-бирини ургани ҳам ҳақорат қилгани ҳам йўқлигини, сўнг иккаласи ўзаро келишиб ярашиб олишганлигини, кейин у ушбу автотураргоҳдан йўловчи олмасдан бошқарувидаги автомашинасини бошқариб чиқиб кетганлигини, шундан кейин 2025 йил 27 июнь куни тахминан соат 09 ларда “Ласетти” русумли 70A194AB давлат рақамли автомашинасини бошқариб Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳ яқинидаги автомашиналар тузатадиган устахонага келиб, автомашинасини тузатиб қўйиш учун шу устахонада қолдириб, ўзи эса автотураргоҳга келиб, шу ердаги Тошкент шаҳрига йўловчилар ташиш билан шуғулланадиган кишилар билан ўзаро гаплашиб турганида, олдига бир нотаниш эркак киши келиб ““Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина сеникими” деганлигини, у эса унга “ҳа, меники” деганида, ўша нотаниш эркак киши “автотураргоҳни эгаси энди сен бўлиб



қолдингми”-деб, ҳеч бир сабабсиз қўлларининг мушти билан унинг жағ, юз, бурун ва бош соҳаларига бир неча маротаба уриб ташлаганлигини, шу пайт уни бурни қонаб, бироз ўзини йўқотиб қўйганлигини, шунда уларни шу ерда бўлган кишилар, ҳозир кимлиги ёдида йўқлигини, иккаласини ажратиб қўйишганлигини, шундан сўнг, у бўлиб ўтган ушбу жанжал бўйича вилоят ИИБнинг 102-хизматига мурожаат қилганлигини, кейин эса соғлиги ёмонлашиб тоби бўлмай, қайд қилиб қолганлиги учун, шу ерга келиб қолган таниши Ҳайитов Жоҳонгир уни автомашинасида Қамаш тумани тиббиёт бирлашмасига олиб келганлигини, шунда шифокорлар унга тиббий ёрдам кўрсатишганлигини, сўнг у шу шифохонада ётиб даволанганлигини, шундан кейин шу жанжал бўйича Қамаш тумани ИИБ ходимлари шифохонага олдига келган пайтда, улардан уни урган ўша нотаниш эркак кишини Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ Саховат кўчаси 18-уйда яшовчи Бозоров Бекжон Муродулла ўғли исмли киши эканлигини билганлигини, у Бозоров Бекжонни урмаганлигини ва ҳақорат қилмаганлигини, унинг ҳозирги кунда ҳам соғлиғи яхши эмаслигини, судланувчи Б.Бозоров унга етказилган зарарларни қоплаб бермаганлигини, зарарларини қоплашини ҳам хоҳламаслигини, чунки Б.Бозоровни кечирмаслигини билдириб, судланувчи Б.Бозоровга қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Ж.Ҳайитов, 2025 йил 27 июнь куни тахминан соат 09 ларда ўзининг иши бўйича Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳга яқин жойга борганида, таниши, яъни ҳарбий хизматдоши Пардаев Шокирнинг бурни қонаб ўтирганлигини кўрганлигини, шунда у унинг олдига бориб, унинг аҳволни кўриб, ундан “сизни ким урди” деб, сўраганида, автотураргоҳда бир нотаниш эркак киши уриб ташлаганлигини, унинг кимлигини билмаганлигини айтганлигини, сўнг у шу яқин орадаги савдо дўконларининг биридан сув олиб келиб, Пардаев Шокирнинг юз ва қўлларини ювганлигини, кейин эса Пардаев Шокир соғлиғи ёмонлашиб, кўзи кўрмаётганлигини айтганлиги сабабли Шокирни ўзининг “Ласетти” русумли автомашинасига ўтиртириб Қамаш тумани тиббиёт бирлашмасига олиб бориб, уни шифокорларга топшириб, ўзи уйига қайтиб кетганлигини, шундан сўнг эртаси куни танишларидан Пардаев Шокирни Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда у аввалдан танийдиган Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ Саховат кўчаси 18-уйда яшовчи Бозоров Бекжон Муродулла ўғли уриб, тан жароҳатлари етказганлигини билганлигини, у ушбу жанжал бўлган пайтда, жанжал бўлган жойда бўлмаганлиги учун, шу жанжал қандай бўлганлигидан хабари йўқлигини, ушбу жанжал бўлмасдан олдин Пардаев Шокир билан Бозоров Бекжоннинг акаси Маматов Амирбекларнинг Қамаш



тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда ўзаро тортишганлигидан хабари йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Д.Бозоров, 2025 йил 27 июнь куни тахминан соат 09 ларда Тошкент шаҳрига борадиган йўловчилар олиш мақсадида, Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда, шу ердаги танишлари билан ўтирганида, олдиларига у танийдиган Бозоров Бекжон келиб, улар билан саломлашганлигини, сўнг эса уларнинг олдида турган у танийдиган Пардаев Шокирга қараб ““Ласетти” русумли 194 давлат рақамли автомашина эгаси сен бўласанми” деб сўраганлигини, шунда Пардаев Шокир унга “ҳа, ушбу автомашина эгаси мен бўламан, нима гап” деганлигини, шу пайт Бозоров Бекжон унга “автотураргоҳни хўжайини бўлиб қолибсан, четроққа юр гаплашиб оламиз” деб айтиб, иккаласи улар турган жойдан четроққа озроқ юриб, кейин эса бир-бирлари билан ёқалашиб, жанжаллашиб кетиб, бир-бирларини қўллари билан ура бошлаганлигини, шу пайт у ва шу ерда бўлган бошқа кишилар югуриб бориб, улар иккаласини ажратиб юборишганлигини, шу пайт Пардаев Шокир Бозоров Бекжонни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб кетиб қолганлигини, лекин шу жанжалда Бозоров Бекжон Пардаев Шокирни ҳақорат қилгани йўқлигини, ушбу жанжалда Бозоров Бекжон билан Пардаев Шокир иккаласи бир-бирлари билан жанжаллашиб, бир-бирларини қўллари билан уришганлигини, жанжалда Пардаев Шокирни Бозоров Бекжондан ташқари бошқа бирон-бир киши урганлигини йўқлигини, ушбу жанжал бўлмасдан олдин Пардаев Шокир билан Бозоров Бекжоннинг акаси Маматов Амирбекларнинг Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига йўловчилар жўнайдиган автотураргоҳда ўзаро тортишганлигидан хабари йўқлигини, чунки у ўша куни автотураргоҳда бўлмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Бозоровнинг айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуви, жабрланувчининг аризаси, жабрланувчи ва гувоҳларнинг судда берган кўрсатувлари ва уларнинг дастлабки терговда берган тушунтириши, жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси, сўроқ баённомалари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фото суратлар ҳамда суд муҳокамаси давомида текширилган далиллар билан ўз исботини топган.

Суд, судланувчи Б.Бозоровнинг ҳаракатини юридик малакаланишини муҳокама қилиб, тергов органи томонидан унинг “безорилик, яъни баданга ўртача оғир шикаст етказиш билан содир этиш”да ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.



Шу билан бирга, Б.Бозоров ўз ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасида назарда тутилган, яъни “инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги”, ҳамда 27-моддасида назарда тутилган, яъни “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”-деб кўрсатилган бўлса-да, Ш.Пардаевнинг конституцион ҳуқуқларини бузиб, унга ўртача оғир шикаст етказиб, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини поймол қилиб тан жароҳати етказган.

Суд судланувчи Б.Бозоровнинг айбига иқроор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд судланувчи Б.Бозоровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига иқроор ва пушаймонлигини ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек, жабрланувчининг даъвоси борлигини инobatга олиб, юқоридаги Пленум қарори ва Жиноят кодексининг инсонпарварлик ҳамда одиллик принципларига таяниб, Б.Бозоровга нисбатан айбдор деб топилаётган модда, яъни ЖКнинг 277-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

Шунингдек, судланувчи Б.Бозоровдан жабрланувчи Пардаев Шокир фойдасига 1.387,500 сўм моддий зарар ундиришни;

Жабрланувчи Паврдаев Шокирга ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судлови тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд



## ҲУКМ ҚИЛДИ

Бозоров Бекжон Муродулла ўғли (BOZOROV BEKJON MURODULLA O'G'LI) - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Б.Бозоровга озодликни чеклаш жазоси Қамаши тумани "Қизилтепа" МФЙ, Саховат кўчаси 18-уйда ўташ белгилансин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида Б.Бозоровнинг ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

Иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақт сифатида куннинг соат 07:00 дан 21:00 гача бўлган вақти белгилансин.

Б.Бозоровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмига асосан ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Қашқадарё вилояти худуддан ташқарига чиқмаслик мажбуриятлари юклатилсин.

Б.Бозоровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми "Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги ҳамда 6-қисми "Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги талаблари тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм Қамаши туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Қамаши туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Б.Бозоровга нисбатан қўлланилган "муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат" эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Б.Бозоровдан жабрланувчи Пардаев Шокир фойдасига 1.387,500 (бир миллион уч юз саксон етти минг беш юз) сўм моддий зарар ундирилсин.



Жабрланувчи Паврдаев Шокирга ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судлови тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 (ўн) сутка муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг 6 (олти) ой муддат ичида кассация тартибида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**А.А.Ўралов**

